International Conference on
Linguistics, Literature And Translation

International Conference on Linguistics, Literature And Translation - double-blind peer-reviewed, monthly, open-access procedding published to get ecxellence on Research and Development. It publishes high-quality articles across the breadth of linguistics, literature and translation research. With its uniquely broad coverage, all articles are free to access across the globe, allowing authors to share their research and maximise its impact. The boletin on Linguistics, Literature And Translation is led by expert international editorial board members who take an objective approach to peer review, ensuring each research paper is reviewed and evaluated on its own scholarly merits and research integrity. Joining your work in the International Conference of Linguistics, Literature, and Translation means you will receive prompt and reliable publishing and a global platform for your research to reach its full potential.

ТРЕДИАКОВСКИЙ ВА РУС ОДАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Алимова Дильрабо Бахадировна
Преподаватель, Международный Вестминстерский Университет в Ташкенте
dilrabo.alimova90@gmail.com

Аннотация

В статье анализируется роль Василия Тредиаковского в теоретическом и практическом становлении жанра оды в русской литературе. Его труд «Рассуждение об оде вообще» играет важную роль в формировании жанровых основ оды. Кроме того, в «Эпиталамической оде» Тредиаковского прослеживается жанровый синкретизм – сочетание элементов эпиталамии и оды, что позволило соединить классические традиции с русским поэтическим стилем. В статье также рассматриваются изменения, произошедшие в жанре оды во второй половине XVIII – начале XIX века: усиление личностного начала, философская направленность, идеи Просвещения и стремление к простоте выражения. В целом, в этот период ода выходит за рамки исключительно панегирического жанра и превращается в философскую форму, выражающую глубокие чувства и возвышенные идеи.

Ключевые слова: Василий Тредиаковский, русская ода, теория жанра, эпиталамия, синкретизм, классицизм, Буало, Пиндар, философская лирика, Просвещение, XVIII век, трансформация жанра, русская поэзия, риторика.

Рус шеъриятида ода жанри тараққиётининг илк босқичида ижод қилган шоирлардан яна бири Василий Кириллович Тредиаковскийдир (1703–1769). В. Тредиаковскийнинг мазкур жанрда ижод қилишига туртки бўлган омил унинг таржимайи ҳолига дахлдор. У Парижда Сорбонна университетида таҳсил олади. Тредиаковский у ерда француз классицизми, айниқса, Буало, Расин ва Корнель сингари ижодкорларнинг назарий ҳамда бадиий услубини чуқур ўрганган.[1] Буалонинг “L’Art poétique” (Поэтик санъат) асари унинг назарий қарашларига кучли таъсир кўрсатган. Мазкур асар XVII аср француз адабий танқидининг энг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Унда ода жанрига хос талаблар

[1] Бу ҳақда қаранг: Гуковский Г.А. Русская литература XVIII века. –М.: Государственное учебно-педагогоческие издательства НАРКОМПРОСА РСФР 1939. С.61-бет

ва услублар, классик риторика асослари баён этилган. А. А. Аникст “Русская литература XVIII века” китобида таъкидланишича, Тредиаковский Францияда поэтика ва риторикадан олган билимларини рус адабиётига татбиқ қилган ва **ода жанридаги шеъриятни юқори мақомга кўтаришга ҳаракат қилган**[2]**.**

В. Тредиаковскийнинг “Рассуждение об оде вообще”[3] ("Ода ҳақида умумий мулоҳаза") (1735) асари рус адабиётида **ода жанрини назарий жиҳатдан ўрганувчи илк ишлардан биридир.** Мазкур асар орқали В. Тредиаковский рус классицизмининг назариётчиси сифатида танилган. **“Рассуждение об оде вообще”** асари 1734-йили Тредиаковскийнинг “Гданск шаҳрининг таслим бўлиши муносабати билан” ёзилган илк одаси билан бирга нашр этилган. Мазкур ода тузилиши, тантанали услуби ва патетик руҳи **(инсон қалбини ҳаяжонга солувчи, таъсирчан, тантанавор** услуб) жиҳатидан француз классизм адабиётида эътироф этилган Буалонинг “Оды на взятие Намюра» (Буало) одасига таянган ҳолда яратилган. В. **Тредиаковский бу** орқали рус адабиётида классик ода жанрининг меъёрларини йўлга қўйишни мақсад қилган.

В. Тредиаковскийнинг “Рассуждение об оде вообще” асари рус адабий танқиди ва назариясига француз адабиётининг, хусусан, француз одасининг таъсири кенг таҳлил қилинган. Шу билан бирга рисолада рус адабиётидаги шеърий жанрлар тизимлаштирилган.

В. Тредиаковский **одани жанр, усул ва эстетик қоидалар** жиҳатидан аниқлаштиради ва унинг **шакли** ҳақида батафсил маълумот беради. Шунингдек, у Пиндар одаси (**Пиндарическая ода**)нинг рус адабиётига кириб келиши, бу жанрнинг рус шеъриятига мослаштиришига ҳам муносабат билдиради.

Тредиаковский ода жанри ҳақидаги назарий фикрларни баён қилар экан, Пиндар одасига муносабат билдиради. Пиндар одаси жанр номи сифатида **буюк Юнон шоири Пиндар** шарафига аталган. У анъанавий юнон одаларини яратган ва бу шакл кейинчалик Европа адабиётида “пиндарическая ода” номи билан аталган.

В. Тредиаковский ўз назарий қарашларида **Пиндарнинг услубини ода учун намуна** сифатида кўрсатса-да, унга ўзгартиришлар киритишни таклиф қилади. Жумладан, у рус одасида **қаҳрамонлар** ва **тақдирлар** орқали ижтимоий аҳамиятга эга мавзуга эътибор қаратилишини, ушбу жанрда шахсларнинг фақат ички дунёси эмас, балки уларнинг жамиятдаги ўрни, тарихий аҳамияти, тасвирланган ҳис-туйғу ёки фикрнинг **ижтимоий аҳамиятга эгалигига эътибор қаратилиши лозимлигини таъкилаб ўтади.** Унингча, ода – бу улуғвор шахслар ёки ҳодисаларни мадҳ этиш учун мўлжалланган жанр.

Бундан ташқари, В. Тредиаковский **рус одаси**ни ёзишда миллатнинг ватанпарварлик **ғурури**ни ва унинг тарихий ёки маданий юксаклигини таъкидлашни таклиф қилади. Бу эса миллатнинг ифтихорини кўрсатиш ва унинг келажагига ишонч ҳосил қилишда аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

В. Тредиаковский ода жанрининг шаклига катта эътибор қаратиб, унинг аниқ структураси ва мукаммал тузилишига урғу беради. Унинг фикрича, ода ёзишда ҳар бир строфа (банд) чуқур ва аниқ бўлиши керак. В. Тредиаковский ода жанрида тўрт қатламдан иборат строфаларни қўллашни тавсия этади.[4]

Унинг фикрича, ода жанри метрик ва ритм жиҳатидан ҳам аниқ бўлиши керак. У ода жанрида гекзаметр ёки юксак ритмли формаларини қўллашни маъқул кўради. Ритм ва

---

[2] Аникст А.А. Литература восемнадцатого века [Текст] / Сост. А. А. Аникст, Л. Н. Галицкий, М. Д. Эйхенгольц. – Москва : Гос. учеб.-педагог. изд-во, 1938.

[3] В. Тредиаковский. **Рассуждение об оде вообще.** Сочинения и переводы, как стихами, так и прозою Санкт-Петербург, «Наука», 2009. С.157.

[4] В. Тредиаковский. **Рассуждение об оде вообще.** Сочинения и переводы, как стихами, так и прозою Санкт-Петербург, «Наука», 2009. С.157

метрика ода жанрига хос поэтик тузилишни шакллантириш ҳамда уни бошқа жанрлардан фарқлашда муҳим омил сифатида намоён бўлади. В. Тредиаковский ҳар қандай ҳолда одада шаклнинг мукаммал ритмик тартибига амал қилишни муҳим деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, “Ода буюк шахслар ёки воқеаларни мадҳ этиш учун яратилган жанр бўлиб, шоирдан нафақат юксак услуб, балки метрик ўлчамга қатъий риоя қилишни, маълум бир ритм ва аниқ, уйғун композицияни ҳам талаб қилади. Ода мисраларда тартибсизликка йўл қўймайди ва ҳар бир строфа маълум бир ритмга, асарнинг умумий уйғунлигига мос келишини талаб қилади”[5].

Француз классицизмидаги ода жанрида р**иторик услуб, давлат арбоблари ва эзгу ғояларни** мадҳ этиш, жанр структурасига, яъни муайян метр, строфика ва стилга қатъий амал қилиш ва ахлоқий – **дидактик ғояларни бадиий талқин қилиш устивор хусусият саналган. Худди шундай хусусиятлар В.** Тредиаковскийнинг одаларида ҳам тўла намоён бўлади. У риторик саволлар, мадҳий эпитетлар ва классик метафоралар орқали одани тантанали жанр сифатида баҳолайди. “История русской литературы XVIII века” китобида таъкидланишича: ***“Тредиаковский рус поэзиясида француз одаси анъанасини илк бор илмий асосда жорий этган шахс ҳисобланади.”***[6]

«Эпиталамическая ода»[7] Тредиаковскийнинг илк ва машҳур одаларидан бири. **Эпиталамия** ва **ода** – бу икки алоҳида жанр бўлиб, уларнинг ўз мазмун ва тузилишида ҳамда тарихи ва ижодий мақсадида сезиларли фарқларга кўзга ташланади.

Эпиталамия (грекача "epithalamium" – тўйга бағишланган поэзия) – бу махсус тўй ва никоҳ тўйи ҳақида ёзилган лирик жанр. Бу жанрда никоҳ, муҳаббат ва ёшларнинг бахтли ҳаётга қадам қўйиши тўғрисидаги мавзулар қамраб олинади.

Эпиталамия романтик никоҳ тўйига бағишланган бўлса, ода эса юксак идеялар ва тарихий ёки маънавий мавзуларни тасвирлайдиган жанр. Шунинг учун улар турли жанрлар бўлиб, ҳар бири ўз концепцияси ва ижодий мақсадига эга.

Унда Тредиаковский нега ”Эпиталамическая ода” деб атади. Асарнинг номида уни “ода” деб атаган. Бу эса уни ода жанрига таълуқлигини кўрсатади. Бу, аввалambор, муаллифнинг асар мавзуси, шакли, услуби, тузилиши ва функциясига қараб, уни муайян **жанрга** мансуб деб белгилашидадир.

В. Тредиаковскийнинг назарий қарашларида **одани поэтик жиҳатдан "юксак жанр"** сифатида таърифлар экан, унда турли мавзуларни бадиий талқин қилиш имкони мажудлигни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан кўрсатиб беради. Демак, Тредиаковскийнинг «Эпиталамическая ода» сининг мавзуси “тўй, муҳаббат, бахт” – бу эпиталамия жанрига хос. Шакл ва услуб: юксак риторика, **стилистик қурилиши,** метрика, мадҳий руҳ – бу ода жанрининг белгиларидир.

Адабиётшунослар Виктор Жирмунский ва Дмитрий Благой[8] каби таниқли олимлар рус поэзиясининг XVIII асрдаги ривожи ҳақида гап кетганда, жанрлар динамикаси ва уларнинг ўзаро таъсирига катта аҳамият беришган.

Виктор Жирмунский "Тредиаковскийнинг “Эпиталамическая ода” асарида жанрлараро сингиш (жанр синкретизми) ҳолати намоён бўлади. Унда ода жанрининг формал хусусиятлари (метрика, риторика) ва эпиталамиянинг мазмун хусусиятлари (тўй, бахт, муҳаббат) бирлашган"[9] деб таъкидлайди. Демак, Тредиаковскийнинг “Эпиталамическая ода”си – бу жанрлараро синкретизм намунаси (жанрларнинг қўшилиши)дир.

---

[5] Юқоридаги манба, 160-б.

[6] Гуковский Г.А. Русская литература XVIII века. –М.: Государственное учебно-педагогоческие издательства НАРКОМПРОСА РСФР 1939. С.75.

[7] Эпиталамия – қадимги анъанавий тўй байрами муносабати билан айтилган тантанали шеърлар тури.

[8] *Благой, Д.. Русская литература XVIII века: Поэзия классицизма. Москва: Наука. 1963.*

[9] *Жирмунский, В. (1951). Поэзия и жанры XVIII века. Москва: Издательство АН СССР.*

“Жанрлараро синкретизм”да **асар бир вақтда бир нечта жанрга хос хусусиятларни** ўзида мужассам этади. Адабиётда бу ҳолат одатий ҳисобланади, айниқса, ўтиш давридаги адабиётларда (масалан, классицизмдан романтизмга ўтишда).

В. "Тредиаковскийнинг "Эпиталамическая ода"си **тўй муносабати билан** ёзилган бўлиб, унинг асосий мақсади янги турмуш қурган жуфтликни мадҳ этиш, уларга бахт ва муҳаббат тилашдир.Ушбу ода **анъанавий эпиталамия жанри**да ёзилган бўлиб, унинг руҳи тантанали ва байрамонадир. Унда турмуш қуриш – илоҳий неъмат, муҳаббат - инсон ҳаётининг асоси сифатида таърифланади. Шу билан бирга, бу асарда **ахлоқий-дидактик ғоялар,** яъни турмуш қуришнинг маънавий мазмуни ва жамиятда тутган ўрни ҳам ёритилган.

Г. А. Гуковскийнинг таъкидлашича, ***"Эпиталамическая ода" – рус адабиётида тўй байрамига бағишланган биринчи тўлақонли ода намунасидир.***[10]

Дышет воздух вам прохладом:

Осеняют боги вас,

Чад сладчайших, виноградом,

Общий вознося свой глас:

Дайте руки сердцем искренним

В твердый знак любви пред выспренним!

Дайте руки. О, всегда

Добродетели начало

В бедствиях себя венчало,

Но не гибнет никогда.[11]

Кўриниб турибдики, одада олқиш, меҳр ва муҳаббат тилаш руҳи устивор. Табиатнинг неъмат сифатида жуфтликка инъом этилиши, Олий куч (Худо)нинг фозиллик ва муҳаббат билан жуфтликни илоҳий раҳмат билан қоплаши бадиий талқин қилинган. Бундан ташқари, одада ўзига хос мурожаат шакли ҳам кўзга ташланади: “*Дайте руки сердцем искренним*…” . Бу ерда “Самимий юрак билан қўларни тутинг” деган даъватда садоқат ва самимийликка чақириқ руҳи устивор. Бундан ташқари, одадан келтирилган парчада ахлоқий ғоялар ҳам тараннум қилинган. “*Добродетели начало/ В бедствиях себя венчало*”, яъни, ҳақиқий фазилат (добродетель) синовда, қийинчиликда шаклланади. Бу классицизмнинг асосий ғояси «ахлоқий поклик – инсон бахтининг асоси» деган ғоянинг тарғиби учун хизмат қилган. “*Но не гибнет никогда”* **–** чин муҳаббат ва фазилат ҳеч қачон ўлмайди.

Одада илгари сурилган ғояни бадиий талқин қилиш учун метафора –(табиатнинг “нафас олиши” – янги ҳаёт ва поклик рамзи**),** рамз – (узумнинг қадимдан бахт, бойлик ва муҳаббат рамзи), эпитет – (“сердцем искренним”, “чад сладчайших”), такрор **–** (“Дайте руки… Дайте руки”**)** мурожаат шаклидаги эмоционал кучли риторик ифода ҳамда антитеза **(**“в бедствиях – но не гибнет) – қийинчиликда - лекин ҳалок бўлмайди) каби воситалардан маҳорат билан фойдаланилган.

Юқоридаги келтирилган парчанинг ҳар бир сатрида тантанавор руҳ, мурожаат, буйруқ шаклидаги иборалар, ахлоқий ғоялар тарғиби ҳамда антик образларнинг поэтик символ сифатида хизмат қилиши ғарб одаларининг хусусиятини ўзида мужассамлаштирганлигини кўрсатади. Бундан ташқари, одада француз классицизмининг

[10] Гуковский Г.А. Русская литература XVIII века. –М.: Государственное учебно-педагогоческие издательства НАРКОМПРОСА РСФР 1939. С.75.
[11] Тредиаковский.Стихотворения. Советский писатель.1935. с. 238.

таъсири яққол кўзга ташланади. Яъни, одада Буало услубидаги мажозий тил, ахлоқий ғоя ва строфик тузилиш ҳам яққол кўринади.

Умуман олганда, рус адабиётига ода жанрининг илк даври **(XVIII аср)да мазкур жанр шеъриятнинг мадҳий ва фалсафий шакл сифатида шаклланди.** Ода жанрининг рус адабиётида пайдо бўлиши европа адабиёти, айниқса, француз ва немис классицизми таъсирида юз берди. Бу даврда ода жанри давлатчилик, подшоҳни улуғлаш, тарихий воқеаларни ёритиш каби вазифаларни бажарди.

В. Тредиаковский, М. Ломоносов, **А.Д. Кантемир** каби шоирлар ода жанрини назарий жиҳатдан мустаҳкамлаб, уни рус адабиётида етакчи жанрлардан бирига айлантирдилар. Бу жанр кейинчалик **романтизм ва реализм**нинг шаклланишига замин яратиб, рус адабиётининг ривожида муҳим поғона бўлди.

1. **Рус шеъриятида ода жанрининг тарихий тараққиётининг 2-босқичи XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрга тўғри келади.** Бу даврда ода жанрида бир қатор жанрий ўзгаришлар кузатилади. Бундай ўзгаришлар қуйидагиларда кўринади:

А). Шахсий ва фалсафийликнинг кучайиши. XVIII асрнинг иккинчи ярмида ода жанрида мазмун ва шаклда сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Бу даврда ода жанри анъанавий мадҳий йўналишдан чиқиб, **шахсий туйғулар, ахлоқий қарашлар, фалсафий мушоҳадалар** билан бойиди.

Ода энди фақат ҳокимиятни улуғлаш учун эмас, балки инсон, тақдир, табиат ва ахлоқ ҳақидаги мулоҳазалар майдонига айланди. Шоирлар одани кўпроқ шахсий фикр, ҳис-туйғу, ахлоқий ва фалсафий муаммоларни бадиий талқин қила бошладилар.

Б). **Ода жанрида фалсафа ва эстетик муҳокамаларнинг кўпайиши.** Шоирлар шеърият орқали нафақат ҳокимият ёки ватанпарварликни, балки **одамнинг ички дунёси, ҳаёт мазмуни** ҳақида ҳам сўз юритишни бошладилар. Шунингдек, бу даврда ода жанри **маърифатпарварлик ғоялари** билан ҳам уйғунлашиб кетди: жаҳолатга қарши кураш, илм-маърифатни улуғлаш, ақлни биринчи ўринга қўйиш тенденциялари кучайди.

В). **Формадаги эркинлик ва ифодадаги соддалик.** Агар XVIII аср бошида ода қатъий метр ва риторик қоидаларга бўйсунаётган бўлса, бу даврда тилдаги соддалашув яъни, халқ тилига яқинлашиш, таъриф ва мадҳ орқали эмас, балки туйғу ва мушоҳада орқали таъсир қилиш кўзга ташланади.

Г). **Лирик қаҳрамоннинг пайдо бўлиши.** Шу даврга қадар яратилган одаларда шоир "сояда" турарди, у фақат ҳокимиятни мадҳ қиларди. Эндиликда эса **шоирнинг шахсий "мен"и,** унинг қарашлари одаларнинг марказига чиқди. Бу тенденция кейинчалик **романтизмга йўл очди.**

Д). **Янги мавзулар кириб келди. Худо, инсон, табиат, ажал, ҳаётнинг маъноси, бахт, муҳаббат, ижтимоий адолат** каби мавзулар ода жанрининг мавзуи доирасини кенгайтирди. Умуминсоний ва умумфалсафий масалаларни шеърий ифода қилиш усуллари ривожланди.

Умуман олганда, бу даврда яратилган одаларда маърифатпарварлик ғоялари, лиризм ва фалсафий мушоҳада, индивидуал сўзлаш услуби, халқона ва таъсирчан шеърий ифода яққол кўрина бошлади. Бу жараён ода жанрини фақатгина мадҳий шеър шаклидан чиқариб, **юксак адабий ва инсонпарвар жанр**га айлантирди**.**

XVIII асрда Василий Тредиаковский рус шеъриятида ода жанрининг назарий асосларини ишлаб чиқишда муҳим ўрин тутди. Унинг назарий асари – «Рассуждение об оде вообще» – рус адабиётида жанрни илмий асосда шакллантиришга қаратилган илк уринишлардан бири бўлди. Тредиаковский ода жанрининг структураси, метрикаси, бадиий воситалари ва жанрлараро ўзаро таъсирни назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берди. Унинг «Эпиталамическая ода»сида эпиталамия ва ода жанрлари элементлари синтез қилинган

ҳолда, классик француз ва юнон анъаналари билан уйғунлашган рус адабиётига хос услуб яратилди. Шунингдек, XVIII асрнинг иккинчи ярмида ода жанри шахсийлик, лиризм, фалсафий ва маърифатпарварлик ғоялари билан тўйинтирала бошланди. Шу тариқа ода жанри фақатгина мадҳий шеър сифатида эмас, балки юксак адабий ва фалсафий жанр сифатида ривожланди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Аникст А.А. Литература восемнадцатого века [Текст] / Сост. А. А. Аникст, Л. Н. Галицкий, М. Д. Эйхенгольц. – Москва : Гос. учеб.-педагог. изд-во, 1938.
2. Благой, Д.. *Русская литература XVIII века: Поэзия классицизма*. Москва: Наука. 1963.
3. В. Тредиаковский. Рассуждение об оде вообще. Сочинения и переводы, как стихами, так и прозою Санкт-Петербург, «Наука», 2009.
4. Гуковский Г.А. Русская литература XVIII века. –М.: Государственное учебно-педагогоческие издательства НАРКОМПРОСА РСФР 1939.
5. Жирмунский, В. (1951). *Поэзия и жанры XVIII века*. Москва: Издательство АН СССР.
6. Тредиаковский.Стихотворения. Советский писатель.1935.
7. Эпиталамия – қадимги анъанавий тўй байрами муносабати билан айтилган тантанали шеърлар тури.